



ХУДУДНИНГ СОЛИҚ ПОТЕНЦИАЛИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев Зафаржон Алижонович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
“Иқтисодий фанлар” кафедраси профессори, DSc. zafarjon1808@mail.ru

ORCID: <https://orcid.org/0000-0002-4827-1040>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i38

Аннотация

Ушбу мақолада ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш методлари кўриб чиқилган. Мақолада ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашга оид назарий ва эмпирик тадқиқотлар натижаси асосида адабиётлар шарҳи амалга оширилган. Тадқиқотда ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш методларнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида ҳудуднинг солиқ потенциалини самарали баҳолаш методини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ потенциали, маҳаллий бюджет, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ тўловчи, ялпи ҳудудий маҳсулот.

ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ НАЛОГОВОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕГИОНА

Абдуллаев Зафаржон Алижонович

профессор кафедры «Экономических наук» Университета общественной безопасности Республики Узбекистан, DSc

Аннотация

В данной статье рассматриваются методы оценки налогового потенциала региона. В статье проведен обзор литературы по результатам теоретических и эмпирических исследований по оценке налогового потенциала региона. В исследовании проанализированы преимущества и недостатки методов оценки налогового потенциала региона. На основе проведенных анализов сформированы соответствующие выводы относительно разработки методики эффективной оценки налогового потенциала региона.

Ключевые слова: налоговый потенциал, местный бюджет, налоговая база, налоговая ставка, налогоплательщик, валовой региональный продукт.

ISSUES OF ASSESSING THE TAX POTENTIAL OF THE REGION

Abdullaev Zafarjon Alijonovich

Doctor of Economics, Professor, University of Public Safety, Tashkent, Uzbekistan, DSc

Abstract

This article discusses methods for assessing the tax potential of the region. The article reviews the literature based on the results of theoretical and empirical studies to assess the tax potential of the region. The study analyzes the advantages and disadvantages of methods for assessing the tax

potential of the region. On the basis of the analyzes carried out, the relevant conclusions were drawn regarding the development of a methodology for effectively assessing the tax potential of the region.

Key words: tax potential, local budget, tax base, tax rate, taxpayer, gross regional product.

Кириш

Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш доирасидаги инвестицион дастурларда белгиланган чора-тадбирларни молиявий ресурслар таъминлашда бюджетнинг солиқли тушумлари асосий манба ҳисобланди. Солиқларнинг иқтисодиётни либерализациялашуви ва бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий мустақиллигига эришиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимидаги аҳамияти беқиёсдир.

Солиқ потенциали ҳудуднинг иқтисодий тузилиши ва солиқ солинадиган ресурслар билан таъминланиши билан тавсифланиб, бу солиқ солиш базалари билан белгиланади ва ўз навбатида, солиқ тушумлари солиқ потенциалининг реализация қилинган қисми сифатида қаралади. Ҳудуднинг солиқ потенциали даражасини юқори бўлиши, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет соҳасидаги молиявий мустақиллигини ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни молиялаштиришда ўз манбалари мавжудлигини англатади. Ҳудуднинг солиқ потенциалини даражаси, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқланишни пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Давлат бюджети солиқ даромадлари тушуми прогнозини ишлаб чиқишда, маҳаллий бюджетга ажратиладиган трансфертлар миқдорини ўрнатишда ва фискал рисклар даражасини аниқлашда солиқ потенциалини баҳолашнинг илмий асосланган самарали методларни қўлланиши талаб қилинади.

Ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашга оид олиб борилган илмий ишларда солиқ потенциалини баҳолашнинг самарали методини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш юзасидан турлича ёндашувлар мавжуд. Сўнгги йиллардаги кенг қўламда амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашда умумий методологик ёндашувлар асосида солиқ потенциалини баҳолашнинг самарали методини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодчи олимлар таъкидлаганидек, ҳудуднинг солиқ потенциалини самарали баҳолаш методи орқали бюджетга солиқ тушумларининг аниқроқ прогнозини амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, бу ҳудуднинг солиқли даромадларининг мавжуд базаси миқдорини ифодаладиган кўрсаткич ҳисобланади ҳамда шу билан бирга, турли даражадаги бюджетлар даромадини шакллантириш ва солиқ сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашдаги ўрни беқиёсдир. Мамлакатнинг солиқ потенциали тушунчаси макроиқтисодий категориялардан ҳисобланиб, солиқ потенциалининг даражаси ва унинг тўлиқ релизация қилиниши ҳудуднинг ижтимоий фаравонлик билан таъминланиш даражаси ва сифатига боғлиқдир. Шу боисдан, солиқ потенциалини баҳолашга умумий ёндашувлар асосида самарали методни ишлаб чиқиш ҳамда солиқ потенциалига таъсир этувчи омиллар таркибини аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади[1].

Горский фикрича, солиқ потенциали тушунчаси мамлакатнинг солиқ тизимида мавжуд бўлган солиқ ва мажбурий тўловлар тушумининг юқори даражадаги миқдорини англатади[2]. Pessino ва Fenochiettolар томонидан солиқ потенциалини

мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, институционал ва демографик жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда ундирилиш мумкин бўлган солиқ тушумларини ҳажмини ифодаланиши кўрсатиб ўтилган[3]. Евстафьева таъкидлашича, ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолаш турли ёндашувлар ва таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган жараён бўлиб, солиқ потенциални ошириш солиқ тушумларининг доимийлиги ва барқарорлигидан иборатдир[4]. Шогенов фикрича, эса ҳудуднинг солиқ потенциални мавжуд солиқ қонун ҳужжатлари асосида белгиланган муддатларда амалдаги солиқ ва мажбурий тўловларни бюджетга максимал даражадаги ундириш миқдоридан иборатдир[5]. Gaspar ва бошқалар солиқ потенциалга молия йили давомида мамлакат ҳудудларидан ягона солиқ солиш шартлари асосида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ундирилган аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқлар деб таърифлаган [6]. Brun, ва бошқалар солиқ потенциални категорияси белгиланган хусусиятларга эга бўлган вақтда олиниши мумкин бўлган мамлакат бюджетига асосли солиқ тушумларининг максимал миқдорини шакллантиришни назарда тутди[7].

Шабашев ва Маликайдаровлар ҳудуднинг солиқ потенциални таркибига ва даражасига таъсир кўрсатувчи омилларга географик, тармоқ, иқтисодий, молиявий, солиқ маъмурчилиги, қонунчилик ва маъмурий-бошқарув, сиёсий, ижтимоий-демографик, ижтимоий-психологик, инфраструктуравий, инновацион, ахборот, институционал кабиларни кўрсатиб ўтишган [8]. Власова фикрича, солиқ потенциалнинг структураси ва ҳажмига солиқ потенциални паст бўлган соҳалар ва тармоқларнинг кўлами ҳамда прогрессивлик даражаси ўзгаришини кўрсатувчи иқтисодий структураси таъсир қилади [9]. Иқтисодчи олимлар Игонина ва Кусраевалар томонидан эса солиқ потенциални шакллантирувчи омиллар иқтисодий ва институционал турлардан иборатлиги асосланиб, омиллар ташқи ва ички омилларга ажратилган[10]. Рощупкина солиқ потенциалга таъсир этувчи омилларга солиқ солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, асосий ишлаб чиқариш омиллари, структуравий тузилиш, инфратузилмани келтириб ўтиш мумкинлигини таъкидлаган[11]. Миронов томонидан эса ҳудуднинг солиқ потенциални ҳажмини шаклланиши кўп миқдордаги ички ҳамда ташқи омиллар таъсирида юз беришини ва ички омилларни эндоген ва ташқи омилларни экзоген омиллар сифатида кўрсатилиб, ташқи омиллар таркибини ҳам объектив ва субъектив, тарихий ва орттирилган, бирламчи, иккиламчи ва шу кўринишда гуруҳларга бўлиб чиқилган[12]. Шунинг таъкидлаш жоизки, ҳудуднинг солиқ потенциални тавсифлаш жараёнида унинг структурасини аниқлаш ва элементлари системасини ажратиш муҳим ҳисобланади: солиқ ресурслар, солиқ базаси солиқ мажбуриятлари, солиқ юки. Ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолаш қўйидаги асосий йўналишларда илмий асосланган ҳолда самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш учун жуда муҳимдир, жумладан [1]:

1.Хўжалик комплекслари ишлаб чиқаришини самарали бошқариш. Ушбу кўрсаткичдан ҳудудий хўжалик комплексларининг фаолият кўрсатиш шароити ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва тенденцияларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

2.Ҳудуднинг молия-бюджет тизимини такомиллаштириш. Ҳудуднинг солиқ потенциални кўрсаткичи маҳаллий бюджет солиқ тушумлари прогнозини ишлаб чиқишда асосий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

3.Бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш. Ҳудуднинг солиқ потенциални маҳаллий бюджетларнинг федерал бюджетдан молиявий қўллаб-қувватлашга бўлган ҳақиқий эҳтиёжларини аниқлашнинг базавий индикатори ҳисобланади. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, хусусан,

бюджетлар ўртасидаги фискал тақсимот ва маҳаллий бюджетга трансфертлар ҳажмини оптималлаштиришда ҳудуднинг солиқ потенциалини самарали баҳолаш методининг мавжудлиги катта аҳмият касб этади.

Олиб борилган илмий изланишларда маҳаллий бюджет даромадларни шакллантириш ва тушумларни прогнозлаштиришда солиқ потенциални самарали баҳолаш масалалари устувор ҳисобланган бўлиб, энг кенг тарқалган таснифлардан бири ҳудуднинг солиқ потенциалини бевосита ва билвосита баҳолаш методларини ажратишни ўз ичига олади. Бевосита методлар ҳудуддаги солиқ тушумларининг шаклланиш кўрсаткичлари, билвосита методларлар эса ҳудуднинг иқтисодий фаоллик кўрсаткичларига асосланган ҳолда қўлланилади.

Ҳудуднинг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичларига асосланган методлар билвоситадир, чунки улар солиқ потенциалнинг қийматини маълум бир кўрсаткичнинг ҳосиласи сифатида аниқлашни ўз ичига олади. Масалан, ялпи ҳудудий маҳсулот асосидаги солиқ потенциални баҳолаш методидан ахборот хавфсизлигининг ривожланиши билан солиқ компонентининг ҳудуднинг иқтисодий параметрларига таъсир даражасини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Ҳудуднинг солиқ потенциални солиқ тушумларини шакллантириш кўрсаткичлари асосида баҳолаш методлари бевосита ҳисобланади, чунки улар солиқ потенциални ҳисоблашда унинг амалга оширилишини тавсифловчи кўрсаткичларни киритишни ўз ичига олади. Бу методлардан солиқ органларининг оператив фаолиятида кенг фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, солиқ потенциални солиқ тушумларининг ҳақиқий кўрсаткичлари бўйича баҳолаш методлари ҳудуднинг солиқ потенциални частота билан баҳолашда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот методологияси

Мақолада ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолаш методлари ва таъсир этувчи омиллар бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил усуллари билан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Аксарият иқтисодчи олимлар томонидан Америка Қўшма Штатларининг “Бюджетлараро муносабатлар бўйича эксперт комиссияси” тавсия қилган репрезентатив солиқ тизими методини солиқ амалиётида ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолашдаги комплекс методлардан бири сифатида келтириб ўтилган. Репрезентатив солиқ тизими методи тегишли солиқ базаларига ўртача солиқ ставкаларини қўллаш асосида бюджетга тушиши мумкин бўлган солиқ суммасини солиқ потенциали сифатида ҳисоблашга асосланган бўлиб, бунда барча ҳудудлар кесимида барча солиқ тўловчилар бўйича солиқ солиш базалари билан боғлиқ маълумотлар базасини яратиш зарурияти юзага келади. Синельников-Мурылев ва бошқалар томонидан репрезентатив солиқ тизимида солиқ потенциални баҳолашнинг қуйидаги бешта босқичи ишлаб чиқилган[13]:

1. маҳаллий бюджет даромадини шакллантирувчи солиқ, мажбурий тўловлар ва бошқа тушумлар таснифини белгилаш;
2. маҳаллий бюджет даромадлари таснифида солиқлар ва бошқа тушумларни акс этиши;
3. тегишли даромадлар бўйича стандарт солиқ базасини белгиланиши;
4. репрезентатив (ўртача) солиқ ставкасининг ҳисоб-китоби;
5. репрезентатив солиқ ставкаси ва солиқ базаси орқали ҳудуднинг солиқ потенциални ҳисоблаш.

Islamutdinov солиқ потенциалини баҳолашда регрессион таҳлилга асосланган методни қўлланилган бўлиб, ушбу метод солиқ тушумлари, солиқ бўйича қарздорликлар, мавжуд солиқ имтиёзлари суммаси ва макроиқтисодий кўрсаткичларни қамраб олган[14]. Солиқ потенциалини баҳолашнинг репрезентатив солиқ тизимига асосидаги регрессион методи ўрта ва узоқ муддат учун прогноз ишлаб чиқишда самарали бўлиб, бунда бюджет тушумлари миқдорини белгиловчи бир-бири билан боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Евстафьева томонидан ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашда, унинг миқдорига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири давлатнинг амалдаги солиқ сиёсати ҳисобланиши ҳамда ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашда асосий ҳисобланган фискал, ресурс ва аралаш ёндашувлар мавжудлигини таъкидлашган[4]. Шунингдек, Горшкова ва бошқалар ҳам ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш методларининг турли-туманлигини, жумладан, Россияда ҳудудларнинг солиқ потенциалини баҳолашда бир неча методларн (репрезентатив солиқ тизими, ҳақиқатдаги солиқ тушуми, регрессион таҳлил, аҳоли жон бошига ўртача даромад ва бошқалар) қўлланиши, бироқ кўпчилик методларда маълум бир кўрсаткичлар, аҳолига тўғри келадиган ўртача даромад, солиқ ставкаси ва базаси, ҳудудий ялпи маҳсулот каби кўрсаткичлардан фойдаланишини кўрсатиб ўтишган[15]. Бундан ташқари, уларнинг фикрича, ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашда тузатиш коэффициентларини қўлланиши самарали методлардан бири ҳисобланади.

Бу эса меҳнат самарадорлиги коэффициенти, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатини коэффициенти, солиқ йиғилувчанлиги коэффициенти ва фаолият самарадорлигини характерловчи бошқа ижтимоий-иқтисодий коэффициентлардан фойдаланиш мумкинлигини англатади. Солиқ потенциалини баҳолашнинг умумий методологиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ қуйидаги чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган [16]:

- ✚ ҳудудлараро трансфертларнинг тақсимланиши;
- ✚ ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти стратегиясининг мавжудлиги;
- ✚ мавжуд солиқ солиш тартибини миқдорий баҳоланиши ва уни такомиллаштиришнинг мавжуд йўналишлари;
- ✚ ҳудудий тармоқлар бўйича солиқ потенциалини солиштирма таҳлилни амалга ошириш;
- ✚ рақобат муҳитида ҳудуднинг солиқ потенциалини таққосланиши.

Илмий адабиётларда ҳудуднинг солиқ потенциалини миқдорий баҳолашдаги ёндашувлар хусусидаги фикр-мулоҳазалари турли-тумандир. Хусусан, иқтисодчи олимлар томонидан ҳудуднинг солиқ потенциалини миқдорий баҳолашда мутлақ (ҳудуддан максимал ундирилиши мумкин бўлган солиқларнинг миқдори) ва нисбий (ҳудудий ялпи маҳсулотдаги солиқ тушумлари улуши, ҳудудда яшовчи аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача солиқ тушуми, структура коэффициенти) кўрсаткичлар ҳамда индекс методлари (масалан, солиқ фаоллиги индекси, интеграл кўрсаткичлар) киритилган.

Бугунги кунда назарий-илмий иқтисодий адабиётларда ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашда турлича ёндашувлар ва кўрсаткичлар асосидаги методлар мавжуд. Мамлакалараро таққослашда ҳар қандай методлар билан аниқланган солиқ потенциалини талқин қилишда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашув бўлиши лозим, чунки ҳар бир мамлакат иқтисодий, сиёсий ва институционал хусусиятлар бўйича индивидуалдир. Умуман олганда, иқтисодчи олимлар томонидан ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш методларининг таснифларига кўра қуйидаги методларни кўрсатиб ўтилган:

1. репрезентатив солиқ тизими;
2. регрессия моделлари;
3. Калман филтри ёрдамида симуляциялар;
4. стохастик чегарани баҳолаш методи.

Худуднинг солиқ потенциалини баҳолашнинг классик методларидан бири, бу репрезентатив солиқ тизими деб номланувчи методдир. Sobarzo томонидан худуднинг солиқ потенциалини баҳолашда ҳар бир худуд бўйича солиқ тушумлари миқдори ҳар бир солиқнинг базасига нисбати сифатида аниқланадиган самарали солиқ ставкаси қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган. Солиқ базаси сифатида ҳар бир аниқ солиқ бўйича худуднинг солиқ имкониятларининг оқилона ўлчовидан фойдаланиш керак. Sobarzo ҳар бир худуд учун ўртача солиқ ставкасини ҳисоблаб чиққан ва уни солиқ базасига кўпайтириб, худуддаги солиқ потенциалининг мутлақ қийматини баҳолаган [16]. Худуддаги ҳақиқий солиқ тушумларининг потенциал солиқ тушумларига нисбати муаллиф томонидан солиқ потенциали индекси ($TPIU$ – tax potential index use) деб аталади. Расмий равишда солиқ потенциалини баҳолаш тартиби қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$TPIU_{SJ} = TC_{SJ} / TP_{SJ} \quad (1)$$

бу ерда: $TPIU_{SJ}$ – J солиқ учун S худуддаги солиқ потенциалининг индекси; TC_{SJ} – J солиқ учун S худуддаги солиқ тушумлари; TP_{SJ} – J солиқ учун S худуддаги потенциал солиқ тушумлари. TP_{SJ} қуйидагича формула билан аниқланади:

$$TPIU_{SJ} = t^* B_{SJ} \quad (2)$$

бу ерда: B_{SJ} – J солиқ учун S худуддаги солиқ базаси; t_j^* – J солиқ учун S худуддаги ўртача солиқ ставкаси. t_j^* ўртача солиқ ставкаси қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

$$t_j^* = t_j^* (= \sum_{sj}^e t / S) \quad (3)$$

$$t_j^e = TC_{sj} / B_{sj} \quad (4)$$

Ушбу ёндашувда энг мураккаб масала бўлиб, ҳар бир солиқ бўйича солиқ кодексида белгиланганидан фарқ қиладиган солиқ солинадиган базага мос келадиган ўлчовни топиш ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотларда ушбу методнинг бир қатор камчиликлари мавжудлиги аниқланган. Биринчидан, солиқ солинадиган базани тавсифловчи ўзгарувчиларнинг субъектив танлови мавжуд. Иккинчидан, кўп ҳолларда маълумотлар худуднинг солиқ имкониятларидаги барча фарқларни ҳисобга олиш учун етарлича эмас. Учинчидан, бу ёндашув худудлар бўйича аҳоли жон бошига даромадлардаги фарқларни ҳисобга олмайди.

Худуднинг солиқ потенциалини баҳолашда кенг тарқалган методлардан бири энг кичик квадратларни (OLS) ҳисоблашдан фойдаланган ҳолда регрессия методи. Бундай ҳолда, солиқ тушумлари боғлиқ ўзгарувчи ва мустақил ўзгарувчиси сифатида солиқ солинадиган базани тавсифловчи иқтисодийнинг структураси, институтларнинг ривожланиш даражасини ва бошқалар кўрсаткичлар танланадиган регрессия қурилади. Регрессияни баҳолаш методида асосий эътибор моделнинг тўғри спецификациясига қаратилади, яъни мустақил ўзгарувчиларни танлаш ва уларнинг иқтисодий талқини ҳисобланади. Анъанавий регрессия моделлари ёрдамида солиқ потенциалини баҳолаш модели анча кенг тарқалган бўлишига қарамай, ушбу метод ҳам сезиларли камчиликка эгадир. Регрессия натижасида солиқ потенциалининг ўзи

маълум бир солиқ базаси ва ўртача солиқ ҳаракатлари билан ундирилиши мумкин бўлган солиқ тушумларининг ўртача миқдори сифатида талқин этилади. Шу методда солиқ потенциални баҳолаш, ўз маъносига кўра, солиқ потенциали тушунчасига етарлича мос келмайди. Баҳолашда хатолар йиғиндиси (ҳақиқий солиқ тушумларининг назарий қийматдан четга чиқиши) нолга тенг бўлганлиги сабабли, кўп ҳолларда ҳақиқий солиқ тушумлари солиқ потенциалдан ошиб кетиш эҳтимоли мавжуд ва бунинг сабабларини мазмунли мулоҳазалар асосида изоҳлаш мураккаб ҳисобланади.

Ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда Калман филтри ёрдамида симуляциялар асосида солиқ потенциали даражаси аниқланади. Жумладан, Kim томонидан олиб борилган таҳлилда бу метод кузатилмайдиган ўзгарувчи бўлган, лекин солиқ потенциалнинг ҳажмига бевосита таъсир қилувчи ҳокимият органларининг солиқ ҳаракатларини баҳолаши кўрсатиб ўтилган. Ушбу методда солиқ солиш ва мавжуд жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашдаги ноаниқликлар мавжуд бўлиб, акасарият ҳолатларда тасодифий хатоларнинг нормал бўлишлиги ва корреляциясизлиги учун зарурий бўлган шартларни бажарилмай қолишининг эҳтимоли юқоридир.

Ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолашда статистик моделлаштириш методларига frontier-методи ёки стохастик чегарани баҳолашни кўрсатиш мумкин. Жумладан, Alfirman, Esteller-More ва Serralar ўзларининг илмий изланишларида ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолашда қўллашган. Ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолашни мавжуд методларига солиштирилиб кўрилганда, ушбу методда солиқ потенциални солиқ тушуларининг ўртача қиймати (математик кутиши) сифатида қабул қилиниши, ўз навбатида, солиқ потенциални солиқ йиғимларининг максимал қиймати сифатида баҳолаш имконини юзага келтиради. Шундай қилиб, олинган баҳолаш солиқ потенциалнинг аниқ таърифига кўпроқ мос келади, бу ерда солиқ тушумларини максимал даражада ошириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Хулоса ва таклифлар

Қайд қилиб ўтилган ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолаш методларида яширин иқтисодиётдаги даромадларни аниқлашдаги кўрсаткичларни қўлланиши ҳисобга олинмаган, яъни ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолаш методларида амалдаги солиқ қонунчилиги асосида аниқланган максимал солиқ даромадлари аниқланади. Тадқиқотчилар ҳар доим ҳам солиқ потенциални баҳолашнинг фақат битта гуруҳидан фойдаланишга амал қилмайди, шу сабабдан турли иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларни ўрганиб чиқилган ҳолда ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолашнинг самарали методини ишлаб чиқишда аналитик ва статистик моделларни бир вақтда қуриш лозим деган хулосага келишимизга имкон беради.

Бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида солиқ потенциалнинг ҳозирги даражаси ва унинг таркиби, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг рўйхатга олинган жойлари ва ҳақиқий фаолияти ўртасидаги тафовут ўртасидаги боғлиқлик аниқланади. Бу хусусиятлар бир қатор иқтисодчи олимларнинг ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолаш методларида ўз ифодасини топган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ҳудуднинг солиқ потенциални баҳолаш бўйича мавжуд методлардан алоҳида бир методни ажратган ҳолда кўрсатиб ўтиш мумкин эмас. Ҳудуднинг солиқ потенциалнинг шаклланиши ва ривожланиши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, демографик ва экологик омиллар мажмуасининг таъсирлари билан бевосита ва билвосита

боғлиқдир. Тизимли ёндашувнинг асосини таҳлил ва синтез ташкил этиб, буларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги солиқ потенциали тизимли категория эканлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белогорская А.Н. Налоговый потенциал региона и методы его оценки. <https://www.elibrary.ru>.
2. Горский Н.В. Налоговый потенциал в механизме межбюджетных отношений. Финансы. 1999. №6. С.27-30.
3. Pessino, C., & Fenochietto R. 2010. "Determining countries' tax effort," Hacienda Pública Española / Review of Public Economics, IEF, vol. 195(4), pages 65-87.
4. Евстафьева А.Х. Оценка налогового потенциала Республики Татарстан. <http://www.vestnykeys.ru/0410/3.pdf>.
5. Шогенов А. А. Методические аспекты расчета налогового потенциала региона. <https://www.elibrary.ru>.
6. Gaspar V., Jaramillo L., & Wingender M. P. 2016. Tax Capacity and Growth: Is there a Tipping Point? International Monetary Fund.
7. Brun J.F., Diakite M. 2016. "Tax Potential and Tax Effort: An Empirical Estimation for Non-resource Tax Revenue and VAT's Revenue", Études et Documents, n 10, CERDI. <https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-01332053/document>.
8. Langford B. and Ohlenburg T. 2016. "Tax revenue potential and eort - an empirical investigation", Working Paper International Growth Centre, Version.
9. Шабашев, В.А., Маликайдаров, Т.Т. 2015. Понятие налогового потенциала региона и проблемы его развития. <https://www.elibrary.ru/download/elibrary>.
10. Власова Е.В. Налоговый потенциал как объективная экономическая категория // Век тор науки ТГУ. Сер. «Экономика и управление». 2012. № 1(8). С. 12-16.
11. Игонина Л.Л., Кусраева Д.Э. Налоговый потенциал региона: эффективность реализации и факторы роста: монография. Краснодар: «Атри». 2010.-С.164.
12. Рошупкина В.В. Логическая структура налогового потенциала региона // Региональная экономика: теория и практика. №2 (137). 2010.-С.43-48.
13. Миронов А.А. Налоговый потенциал, его роль и место в системе налоговых отношений // Экономические науки. 2011. № 1(74). С. 316-320.
14. Синельников-Мурылев С., Кадочников П., Идрисов Г. 2011. Налог на прибыль предприятий: анализ реформы 2001 г. и моделирование налогового потенциала регионов. <https://elibrary.ru>.
15. Islyamutdinov, S. I. 2007. Taxable capacity of a territory: Methodological aspects of formation and use: Dissertation. Nalogovyi potentsial territorii: Metodologicheskie aspect formirovaniya i ispol'zovaniya: dis... kand. ekonom. Nauk. Samara.
16. Горшкова Н.В., Шаманин В.И 2016. Методические подходы к оценке налогового потенциала региона на примере волгоградской и ростовской областей https://elibrary.ru/download/elibrary_26471238_79705178.pdf.
17. Попова Г. 2014. Классификация формализованных методов оценка налогового потенциала. Экономический анализ: теория и практика. <https://www.elibrary.ru>.
18. Sobarzo H. Tax effort and tax potential of state governments in Mexico: A representative tax system // IMF Working Paper, 2004.